2004. I–XII

YANGI YILINGIZ QUTLUG' BO'LSIN, AZIZ YURTDOSHLAR!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 1-yanvar, 1 (590)-son

Sotuvda narxi erkin

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

***Бу йил ҳам ҳар йилгидек севимли Янги йил байрамини яхши кутиб олиш учун республикамизнинг барча жойларида катта ҳозирлик кўрилди. Жумладан, пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Мустақиллик майдонида турфа хил ўйинчоқлар билан безатилган катта арча атрофида байрам томошалари ташкил этилди.***

**Мактаб** ўқувчиларининг қишки таътил кунлари — 27 декабрдан то 10 январга қадар ушбу арча атрофида болажонларимизга шаҳримиздаги мавжуд юздан ортиқ маданият уйларининг бадиий жамоалари ва мусиқа мактаблари ўқувчилари ҳамда севимли хонандалар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, жозибали рақслари билан хизматда бўладилар. Майдонда ҳар куни болажонлар учун эртак қаҳрамонлари иштирокида тўрт маҳал байрам томошалари намойиш этилади. Бундан ташқари майдонга шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларидан турли хил аттракционлар келтирилиб ўрнатилган. Тошкент шаҳар савдо департаменти томонидан ташкил қилинган турли хил ширинликлар, ўйинчоқлару ажойиб совғалар билан савдо қилувчи дўкончалар болажонларга хизмат кўрсатади.



“Туркистон” саройида Президент арчаси атрофида бўлиб ўтган анъанавий қизиқарли байрам томошалари жажжи кичкинтойларга бир олам қувонч бахш этиб, ўз мазмун-моҳиятига кўра меҳр-мурувват ифодаси бўлди. Байрамона безатилган ушбу файзли кошонага пойтахтимиздаги барча меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ташриф буюрдилар. Байрамда Қорбобо, Қорқиз ва турли эртак қаҳрамонлари болажонларга яхши кайфият, қувонч улашдилар. Шунингдек, томошаларда санъат усталари, эстрада юлдузлари, мусиқа, цирк ва эстрада коллежи, хореография билим даргоҳи талабалари ҳам қатнашдилар. Болажонлар “Мен! Сен! Биз! Дунё кезамиз!” мавзуидаги театрлашган байрам томошасида сайёрамизнинг турли қитъаларига саёҳат қилдилар. Шодиёна давомида кичкинтойларга давлатимиз раҳбари номидан янги йил совғалари улашилди.

Ўйлаймизки, бундай қувноқ, ҳаяжонли дамлар кичкинтойлар қалбида бир умр сақланиб қолади.

**Ўз мухбиримиз**

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

**Ўзбекистон** алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борган ушбу мажлисда кун тартибидаги “Алоқа соҳасидаги маркетинг фаолияти тўғрисида”ги масала бўйича Агентлик маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи В.Тарасенко маъруза қилди. Маърузада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги маркетинг фаолиятининг асосий йўналишлари Агентликнинг 2003 йил, 23 майдаги фармойиши билан тасдиқланган “2003-2005 йилларга мўлжалланган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги маркетинг дастурлари”да белгилаб берилгани, унда ҳар бир компания ва ташкилотлар томонидан маркетинг фаолиятини амалга ошириш йўллари, маълум бир маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишда керакли воситаларни танлаш, шу билан бирга уларни йўлга қўйиш учун зарур маблағлар белгилангани айтиб ўтилди.

Шунингдек, маърузачи ушбу дастурлар ва Агентлик буйруғи билан белгиланган кўрсаткичлар бўйича бўлим томонидан доимий мониторинг олиб борилаётганлиги, Агентлик тизимига кирувчи компания ва ташкилотларда маркетинг фаолияти хусусида қатор ишлар амалга оширилгани, “Ўзбектелеком” АК филиаллари ва “Ўзбекистон почтаси” ДАКда маркетинг бўлимлари очилиб, улар зарур компютер техникалари билан таъминлангани, йирик шаҳар ва туман марказларида телекоммуникация хизматларига бўлган талаб кузатилаётгани, маркетинг бўлимлари томонидан шаҳар АТСларининг рақамлар сиғимини кенгайтириш, янгиларини фойдаланишга топшириш ишлари олиб борилаётгани, қатор акциядорлик жамиятларида почта алоқасига бўлган талабни ўрганиш натижасида Интернет, электрон почта, курьерлик хизмати кабилар жорий этилаётгани ҳамда маркетинг фаолияти соҳасида “Uzinfocom” марказида ҳам маълум ишлар қилинаётгани ҳақида тўхталди.

Маркетинг борасида кўпгина ишлар амалга оширилганига қарамай, айрим жойларда ушбу масалага кўнгилдагидек эътибор берилмаётгани ва бу борадаги ишларни жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳайъатда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**И.ОМОНОВ**

YUBILYARLARIMIZ

## ШОНЛИ ЙЎЛ

***Инсон ҳаётининг мазмуни умри давомида амалга оширган эзгу ишларда кўринади. Баъзилар кимларгадир фойдаси тегиб яшаш уёқда турсин, ҳатто ўзининг тақдири учун курашишга ҳам ожиз. Лекин орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар нафақат ён-атрофдагиларга, балки минглаб кишилар тақдирига алоқадор бутун бир соҳа ёки йўналишга ўз умрларини бахшида этадилар.***

**Мактабни** тугатиб Тошкент темирйўл транспорти техникумига ўқишга кирган Лариса келажакда етук мутахассис бўлиб етишишни ният қилганди. Орадан қарийб 45 йил ўтиб, ниятлари вожиб бўлган, кўплаб ҳамкасблари ва шогирдлари билан ўзининг олтмиш йиллик юбилейини нишонлаган Лариса Бурцева босиб ўтган шарафли меҳнат йўлини яна бир бор ёдга олган бўлса, ажабмас.

Меҳнат фаолиятини 1961 йили Халқаро телефон станциясида монтёрликдан бошлаган Лариса Андреевна бир йил ўтиб электр муҳандис вазифасида ўз ишини давом эттирди. Кейинчалик, 1966-79 йиллар оралиғида мазкур корхонада катта муҳандис сифатида электралоқа соҳасини чуқур ўзлаштирди. Техник эксплуатация бўлими, автоматика цехи бошлиғи лавозимларида ишлаган кезларида эса раҳбарлик ва бошқарувчилик жиҳатларини намоён қилди. Албатта, бунда тажрибали ҳамкасблари ва устозларининг сабоғи ҳам катта рол ўйнади. Шу ўринда айтиш жоизки, “Тошкент телеграф телефон станцияси” филиали малакали мутахассислар етказишда ўзига хос мактабга эга. Бу ерда фаолиятини бошлаган аксарият ходимлар кейинчалик алоқа соҳасининг турли йўналишларида ўзларини ҳар жиҳатдан кўрсатишга эришадилар. Л.Бурцевани ҳам шулар қаторига қўшсак хато бўлмайди.

“Тошкент телеграф телефон станцияси”да бош муҳандис ўринбосари, эксплуатация бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимларида ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажарган Лариса Андреевнага мустақиллигимизнинг илк йилларида “Тошкент халқаро электралоқа маркази”ни бошқариш ишониб топширилди. Л.Бурцева марказни бошқарган даврда илк бор мустақил равишда халқаро алоқаларга чиқиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ўша пайтда жуда долзарб бўлган биринчи халқаро станция ҳамда йўлдошли антенна ишга туширилди.

Лариса Бурцева 1997-98 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида директор вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият юритиб, жамғарманинг тузилиши ва шаклланишига катта ҳисса қўшди. 1998 йили бу ердан техник менежер вазифасини бажариш учун “Бузтон” қўшма корхонасига ишга ўтди. Айни дамда у техник директор ўринбосари сифатида мазкур корхонанинг техникавий ривожланиши, алоқа сифатининг яхшиланиши йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилиб келмоқда.



Ҳалол меҳнат қилган кишининг эзгу ҳаракатлари эътиборсиз қолмайди. Лариса Бурцева ҳам Агентликнинг “МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан тақдирланган.

Яқинда ўзининг юбилейини нишонлаган Лариса Андреевнага барча ҳамкасблари ва шогирдлари номидан келгуси ишларида омад, бахт-саодат ва хонадонига қут-барака тилаб қоламиз. Унга Янги йилда ҳам янги зафарлар ёр бўлсин!

**Л.ТУРСУНОВ**

# РАДИОЧАСТОТАЛАР БЎЙИЧА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**_Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ бошқарди. Йиғилишда тегишли вазирлик ва идора вакиллари иштирок этишди._**

**Мажлисда** комиссиянинг 2003 йилги иш якунлари ва 2004 йил учун мўлжалланган режалар муҳокама қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил, 11 ноябрдаги "Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси ҳамда янги технологиялардан фойдаланиш учун частоталар полосаларини тақсимлаш масалалари кўриб чиқилди.

Маълумотлар узатиш тармоқларининг ривожланиш суръати ошганлиги туфайли республикамизда Интернетга уланиш учун симсиз тизимларни ташкил этиш бўйича радиочастоталардан фойдаланишга талаб ортган. Комиссия мактаблар, шифохоналар, аэропортлар, темир йўл бекатлари, офислар, конференц-марказларда Интернет тармоғига тез ва арзон уланиш ҳамда аҳоли пунктларининг, шу жумладан, қишлоқ жойларида миллий ва халқаро тармоқларга тезликда уланишни ташкил этиш шароитларини яратиш учун қўшимча ресурсларни ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, республикада мобил алоқа воситаларини янада ривожлантириш мақсадида ҳаракатдаги уяли алоқани ташкил этиш учун фойдаланилаётган частоталар диапазонларини босқичма-босқич бўшатиш режасининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Йиғилишда учта меъёрий ҳужжатнинг янги таҳрири тасдиқланди. Булар "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси радиочастота эгаликларининг халқаро-ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Низомлар ҳамда "Ер станциялари ва йўлдош тармоқлар радиочастота эгаликларини рўйхатга олиш ва мувофиқлаштириш тартиби" бўйича Йўриқномадир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси радиочастота спектрини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Ўз мухбиримиз**

НАШИ ЮБИЛЯРЫ

# ЖИВЕТ В КРЕСТЬЯНСКОМ НАДЕЖДА...



***Правда, называют её так сейчас лишь немногочисленные сверстники. Для остальных она — Надя опа, Надежда Тимофеевна.***

**Эта женщина** вросла своими корнями в милую и родную гулистанскую землю — здесь она родилась 70 лет назад, здесь бегала босоногой девчонкой, окончила семь классов сельской школы, здесь заневестилась и нашла свою судьбу, вырастила детей, завоевала уважение односельчан. Завоевала тем, что оказалась верной в любви и дружбе, в избранной профессии, тем, что в сердце ее, несмотря на пережитые горе и лишения, живут лишь бесконечная доброта и внимание к людям.

... После окончания школы Надя искала работу — старшая в семье, она видела, как нелегко матери поднимать остальных детей — отец погиб на фронте. Устроилась секретарем в местную школу, а потом буквально "сманили" добросовестную девчушку в районный узел связи. Тут она и задержалась на целых пятьдесять лет. Работала оператором, почтальоном, сопровождающим, заместителем начальника узла связи, заочно окончила Ташкентский техникум связи. Сейчас, будучи на пенсии, Надежда Тимофеевна Гавриленко не может усидеть дома, да и на работе не могут без нее обойтись. Без ее поистине бесценного опыта, знания всех ступеней и нюансов дела, без ее энергии, полной отдачи, а главное, любви к людям.

Заведующий Гулистанским районным филиалом АО "Сирдарё почтаси" Эрали Ахмедов говорит, что сам нередко прибегает к помощи Надежды Тимофеевны в решении тех или иных вопросов и не стесняется этого — он молод, а его наставница, которая ныне работает кассиром, знает до тонкостей всю систему, может найти нетрадиционное решение проблем. Немало из тех, кто учился у Надежды Тимофеевны, ныне работает и в связи, и в иных сферах народного хозяйства, навсегда сохранив уважение к этой удивительно простой и доброй женщине, которая умеет так передать другому то, что знает сама, что "ученику" кажется, будто это он сам додумался до того или иного решения. Это особенно подчеркивает Шараф Убайдуллаев — один их тех, кто начинал служить под ее руководством, а ныне работает заместителем директора АО "Сирдарё почтаси".

Мукамбар Эргашевна Клычева, директор областного АО "Сирдарё почтаси", умеющая ценить деловые и человеческие качества своих подчиненных, также тепло отзывается о Гавриленко:

— 50 лет проработала Надежда Тимофеевна на одном месте — редкий случай. В ее трудовой книжке лишь одна запись — принята. Не имеет ни замечаний, ни нареканий, зато благодарностей и Почетных грамот не счесть — и от областного АО "Сирдарё почтаси", и от ГАК "Узбекистон почтаси". И я думаю, что мы еще мало ее благодарим и чествуем. Подобное отношение к делу нужно возводить в ранг распространения опыта и вручения еще более серьезных наград...

А сама Надежда Тимофеевна не видит ничего особенного ни в своей особе, ни в том, что полвека отдала любимому делу:

— Я очень люблю свою работу. Даже трудно представить себе, чему бы я посвятила себя, если бы не почтальон Ольга Емельяновна Курочкина, которая буквально уговорила меня придти на почту! А оказалось, что здесь моя жизнь, мое любимое дело, мой любимый коллектив, который является для меня второй семьей. Что ж тут удивительного?

Вот так. Просто человек оказался на своем месте, где нашел себя и никогда не делил обязанности, не учитывал время, необходимое для их выполнения.

Бодрости и здоровья Вам, уважаемая Надежда Тимофеевна, на многие лета! Это, наверное, про Вас сказал поэт: "Полна, красна земля родная людьми надежных душ и рук..."

**Евгения КАЧКАЕВА**

**На снимке: Надежда Тимофеевна ГАВРИЛЕНКО.**
**Фото из семейного архива.**

# АТТЕСТАЦИЯ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

## Мақсад — хизматни яхшилаш ва маънавиятни юксалтириш

**"Фарғона Телеком"** филиалида янги технологияларга ўтиш, хизмат сифатини яхшилаш ишлари давом эттирилмоқда. Айни пайтда телефон тармоқларининг 95 фоизи рақамлига ўтказилган. Шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашувлар станцияларида оптик толали материаллар ва коммуникация электрон воситалари қўлланиляпти. Лекин, аҳолининг муттасил ўсиб бораётган талабларини қондириш жуда қийин. Хизмат кўрсаткичлари ва сифати нафақат абонентлар, балки барча стандартлар, меъёр, қоида ва йўриқномаларга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун талабларига ҳам жавоб бериши керак. Хўш, бунга қандай эришилади?

Юқори сифат билан ишлашнинг омиллари жуда кўп. Уларнинг асосийларидан бири — ишчи ва мутахассисларнинг билим даражаси ҳамда маънавий дунёсини мунтазам равишда юксалтиришга туртки бўлувчи аттестациялашдир. Яқинда филиал бошқаруви ва унинг барча боғламаларида Низомда белгиланган қонун-қоидаларга қатъий риоя этилган ҳолда ишчи ва ходимларни навбатдаги шаҳодатлов тадбири ўтказилди. Унда касаба уюшмасидан вакиллар ва юристлар иштирок этишди.

— Бу галги аттестациялаш хулосаларидан ходимларимизнинг билим савияси анча ошгани маълум бўлди, — деди биз билан суҳбатда комиссия аъзоси, филиалнинг ходимлар бўлими бошлиғи Гулноза Сайдалиева. — Шуни айтиш керакки, малакали ходимни дастлабки саволларга берган жавобиданоқ билиб олиш мумкин. Мени қувонтиргани қаршимизда ўтирган ходимга бир-икки савол бериш билан шу шахс ҳақида кўп нарсалар, хусусан, унинг назарий билимлари, маънавий дунёси, равон нутқи, касб маҳоратию маданияти, инсоний фазилатлари намоён бўлаверди. Бундай инсонларнинг кўплиги эса бизларни яна бир бор мамнун этди. Умуман олганда, боғламаларда ходимларнинг Президент Фармонлари, ҳукуматимизнинг телекоммуникация соҳасидаги қонунлари ва қарорлари, янги технологиялар ҳамда иқтисодиёт соҳаларидаги билимларини оширишга эришилган. Энг муҳими, улар бундай синов усули ўзлари учун қанчалар зарур эканлигини англаб етишди.

Аттестация мобайнида бармоқ билан санарли бўлсада, ўз ишига нолойиқ деб топилганлар ҳам бўлди. Энди уларнинг келгусидаги фаолияти масаласи касаба уюшмаси қўмитаси билан бамаслаҳат ҳал этилади.

Бир сўз билан айтганда, синов юрагида ўти бор, қобилиятли кадрларнинг азму шижоатини оширса оширдики, камайтирмади. Энди ҳамма гап боғлама ва бўлинмалардаги соғлом ишчанлик муҳитини сақлаб қолишда. Бундан ягона мақсад — хизматни истеъмолчига кўнглидагидек ташкил этиш ва маънавиятни юксалтиришдир.

**Ҳ.САЛЯҲОВА**
**Фарғона вилояти**

# НУҚСОНЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

**Алоқа** корхоналарининг давр талаблари даражасида иш юритиши улардаги асосий воситалар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва эскирган материаллардан ўз ўрнида фойдаланилишига, омборлар ва хазиналарнинг вақти-вақти билан қайта рўйхатдан ўтказилишига, телефон нуқталари бўйича ҳисоботларни расмийлаштириш ва кўрсатилаётган алоқа хизматлари учун даромадларни ҳисоблашда ҳаққонийликни таъминлашга, телекоммуникация боғламаларидаги "08" бўлимларида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга, қолаверса, барча ерда ижро интизомига қатъий риоя қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Табиийки, электр энергияси таъминоти ускуналарининг техник ҳолати масалалари ҳам бундан мустасно эмас. "Бухоро Телеком" филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида бу борада муайян тажриба тўпланган. Бироқ, ушбу йўналишда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас.

Филиалда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Йиғилишни корхона директори Ш.Худойбердиев бошқарди. Тадбирда корхона директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаев телекоммуникациялар боғламаларида ўтказилган текшириш якунлари бўйича маълумот берди.

Унда таъкидланишича, айрим телекоммуникациялар боғламаларида ижро интизомига риоя қилинмаяпти. Юқори ташкилотларнинг ҳужжатлари билан ишлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бир қатор ташкилий ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, жойлардаги дизел хоналарини ўз вақтида таъмирлаш, генераторларни зарур мосламалар билан жиҳозлаш, хавфли кесишмаларни тўлиқ бартараф этиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш замон талаблари даражасида эмас.

Йиғилишда шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг бошлиқлари ва техник мутасаддиларига аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш, интизомга қатъий риоя қилишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Кенгаш йиғилишида "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан алоқа корхоналарида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам белгилаб олинди ҳамда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**А.ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

# МИННАТДОРМИЗ

***Тошкент** алоқа коллежининг республикамиз вилоятларидан келган 350 нафар талаба-ёшлари коллеж ётоқхоналарида истиқомат қиладилар. Уларнинг 50 нафари моддий ёрдамга муҳтож. Бу талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ДАК уларнинг тушлик овқатланишлари учун йил давомида маблағ ажратиб келмоқда. Бундан ўқувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари беҳад мамнун бўлишмоқда.*

*Биз ўзимиз ва талабалар номидан мазкур компаниялар раҳбариятига самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омад ва оилавий хотиржамлик тилаган ҳолда Янги йил барчаларига қувонч олиб келишини истаймиз.*

***Коллеж жамоаси***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Иброҳим РИСБОЕВ**ни қутлуғ 50 ёши билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, тан-сиҳатлик ҳамда оилавий хотиржамлик тилайди.

"Наманган почтаси" АЖ жамоаси корхонанинг Тошбулоқ филиали бошлиғи **Ҳасанбой ХЎЖАЕВ**ни туғилган куни билан чин юракдан муборакбод этади. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва тинчлик-хотиржамлик тилаб қолади.

# "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ"

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини Янги йил байрами билан самимий табриклайди.

2004 йил

"Меҳр ва мурувват йили" деб аталган 2004 йилда ҳам юртимиз равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда омадлар ёр бўлсин!

# "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

OZBEKTELEKOM

Ўзбекистоннинг барча фуқароларини ҳамда ўз мижозларини Янги йил билан қизғин қутлайди.

Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Сизлар билан ўзаро ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз!

# "ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЧТАСИ"

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳолисини ҳамда почта ва телекоммуникациялар соҳаси вакилларини 2004 йил билан қизғин муборакбод этади.

Ҳар бирингизга бахт-саодат ва равнақ, иқтисодий ислоҳотлар йўлида муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йилда янги зафарлар ёр бўлсин!

# EMS "ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА"

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни ҳамда хорижлик мижозларини ЯНГИ ЙИЛ байрами билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга боқий умр, тинчлик, омонлик, бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин. Кутлуғ хонадонингиздан файзу барака ва рўшнолик аримасин.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

## ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*Юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча замондошларимизни Янги йил шодиёнаси билан самимий муборакбод этади.*

Кириб келган йилда амалга оширишни режалаштирган барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

**Хонадонингиздан бахт ва шодлик аримасин!**

## "ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ"

### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча ватандошларимизни Янги йил байрами билан қизғин қутлайди.

**Ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, рўшнолик ҳамда қут-барака тилаб қолади.**

*Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!*

## "АНДИЖОН ПОЧТАСИ"

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳаси ходимларини, ўз акциядорлари ва мижозларини қувонч ва шодлик байрами — Янги йил билан самимий муборакбод этади.

**Кумуш қишда ёққан оппоқ қорнинг ҳар бир зарралари хонадонингизга поклик ва қут-барака олиб кирсин!**

## "ЎЗИ-ҚАРШИ"

### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Доно ва бағрикенг халқимизни **Янги йил** шодиёнаси муносабати билан табриклайди.

*Янги йил барчамизга қувончли лаҳзалар, поклик ва муҳаббат ҳадя этсин!*

## "АЛОҚАИНВЕСТ"
### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳолисини, жумладан, барча алоқачиларни Янги – **2004 йил** билан қизғин муборакбод этади.

Азиз ватандошлар! Янги йил хонадонингизга қут-барака олиб кирсин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

## "АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ"
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат қилаётган барча юртдошларимизни **Янги йил** байрами билан чин қалбдан қутлайди.

*Янги йилга янги ютуқлар билан кириб келаётганингизга ишонамиз ва келгусида бунданда юксак чўққиларни забт этишингизга тилакдошмиз!*

## "БУХОРО ТЕЛЕКОМ"
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларни кириб келаётган **2004 йил** билан самимий табриклайди.

Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

Азиз ҳамкасблар, келаётган йил сизга бахт келтирсин!

## "ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ"
### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Саховатли ўзбек халқини, шу жумладан, алоқа соҳаси жонкуярларини Янги йил билан чин қалбдан муборакбод этади.

Меҳр ва муруввват йилида эзгулик ва гўзаллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

**Бахт ва омад сизни ҳеч қачон тарк этмасин!**



# 2004-YIL

**YANVAR**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| S | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| P | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| J | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Y | 4 | 11 | 18 | 25 | |

**FEVRAL**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 2 | 9 | 16 | 23 |
| S | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Ch | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| P | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| J | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Sh | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Y | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |

**MART**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| S | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ch | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| P | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| J | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Sh | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Y | 7 | 14 | 21 | 28 | |

**APREL**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| S | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| P | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| J | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Y | 4 | 11 | 18 | 25 | |

**MAY**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| D | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| S | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ch | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| P | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| J | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Sh | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Y | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

**IYUN**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| S | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ch | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| P | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| J | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Sh | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Y | 6 | 13 | 20 | 27 | |

**Бу йил шарқ тақвими бўйича кўк маймун йилидир.
Хўш, унда бизга юлдузлар нималарни башорат қилишмоқда?**



### ҲАМАЛ (21.03 – 20.04)

Оилавий ҳаётда иложи борича оғир-босиқ бўлинг. Ҳамсуҳбатингиз ноҳақ бўлса ҳам эҳтиросларга берилманг. Майнинг биринчи ярмида сафарга чиқишингиз мумкин. Умуман олганда, маймун йили сиз учун омадли келади.

Бу йил ишингизда яхши натижаларга эришасиз. Лекин, қадамингизни ўйлаб босинг, акс ҳолда боши берк кўчага кириб қоласиз. Йилнинг биринчи ярмида мансабингиз ошиши мумкин. Март малака ошириш учун қулай ой. Июлда иш фаолиятингиз унумли бўлади. Йилнинг охирига бориб кутилмаган мукофотларга сазовор бўласиз.



### САВР (21.04 – 21.05)

Йилнинг биринчи ярмида эринмасдан қилган меҳнатингизга яраша омадга эришасиз. Январ-феврал ойларида ишда юқорига кўтарилишингиз мумкин. Бу даврда сиз ўзингизни ҳар томонлама кўрсатасиз. Баҳор ва ёз ижодий ишлар учун қулай. Июлда даромадингиз кўпаяди. Октябрда эса ҳушёр бўлинг, йўл қўйган кичик хатоингиз ҳам ишингизнинг орқага кетишига сабаб бўлади. Шубҳали ва қонунга зид ишлардан қочинг — бу яхшиликка олиб келмайди, сарфланган вақтингиз ва пулингиз зое кетади. Ҳалол ва зўр бериб ишлаганларга омад кулиб боқади.



### ЖАВЗО (22.05 – 21.06)

Иш фаолиятингизда кўплаб кўтарилишлар юз беради, лекин пасайишлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундан қутулишда сизга тартиб-интизом, қатъиятингиз ёрдам беради. Ишларни тўғри режалаштирсангиз амал пиллапоясидан юқорилайсиз. Март ойида яхши даромад топишингиз мумкин. Энг сердаромад ой — сентябр. Декабрда молиявий масалаларда ҳушёр бўлинг.



### САРАТОН (22.06 – 22.07)

Сиз учун бу йилнинг шиори — агар озгина ҳаракат қилсангиз, албатта омад кулиб боқади. Илгариги хатоларингиздан тўғри хулоса чиқариб иш кўринг. Йилнинг биринчи ярмида муваффақиятга эришасиз. Йилнинг иккинчи ярмида айрим хатоларга йўл қўйишингиз мумкин. Ҳамма гап бу хатоларни ўз вақтида тўғрилашда. Ноябр ва декабрда даромадли иш таклиф қилишлари мумкин.



### АСАД (23.07 – 23.08)

Йил давомида оила аъзоларингиз ва яқинларингиз билан айтишиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Уларга совғалар тақдим этишни унутманг. 25 июлдан сўнг саёҳатга чиқишингиз мумкин. Молиявий хатоларга йўл қўймаслик учун биринчи ярим йилликда пул билан боғлиқ ишларда ҳушёр бўлинг. Баҳорда дангасалик қилманг, ана шунда юқорига кўтариласиз. Апрел-июн оралиғи янги даромад манбалари топиш учун қулай вақт. Кузда яхшигина фойдани қўлга киритишингиз мумкин.



### СУНБУЛА (24.08 – 23.09)

Январда тақдир сизга инъом этадиган қулай имкониятларни қўлдан чиқарманг. Февралда яқинларингиз билан келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Йилнинг иккинчи ярми режа ва ниятларингизни амалга ошириш учун қулай. Йил охири муваффақиятли келади. Январда ўзингизни йўлбошчи сифатида кўрсатиш учун ажойиб имконият пайдо бўлади. Таклифларингиз дарҳол қабул қилиниши ва амалга ошиши мумкин. Лекин эҳтиёт бўлинг, рақиб ва ҳасадгўйлар йўлингизда тўғаноқ бўлишлари ҳеч гап эмас. Йилнинг бошида тузилган баъзи шартномалар бузилади.



### МЕЗОН (24.09 – 23.10)

Жиддий ишга киришишдан олдин етти ўлчаб бир кесинг. Майнинг иккинчи ярми омадли келади. Йилнинг иккинчи ярми ҳам муваффақиятли кечишига умид қилса бўлади. Январда сизга қизиқарли иш таклиф қилишлари эҳтимоли бор. Куз давомида сиз етарлича омадга эришасиз. Келажакда юксак натижаларга эришиш имконияти пайдо бўлади.



### АҚРАБ (24.10 – 22.11)

Янги йилда янги танишлар, ҳамкорлар орттиришингиз мумкин. Кузда ишингиз юришмай қолиши эҳтимолдан холи эмас, лекин 10 ноябрдан сўнг ҳаммаси жойида бўлади. Бу йилда ўзингизга бериладиган имкониятлардан юз фоиз фойдаланишга ҳаракат қилинг. Тадбиркорлик соҳасида сизга омад кулиб боқади. Йилнинг биринчи ярмида янги даромад манбаларини топишингиз мумкин. Фақат ишингизни пухта режа асосида бошланг.



### ҚАВС (22.11 – 21.12)

Маймун йилида кўплаб сафарларга чиқишингиз кутилмоқда. Мартнинг биринчи ярмида оила аъзоларингиз билан келишмовчиликлар юз бериши мумкин. Сентябр охирида сизга барча соҳада омад кулиб боқиши башорат қилинмоқда. Йилнинг бошида режаларингиз амалга ошади. Янги ҳамкорлар топишингиз эҳтимоли бор. Январ, февралнинг иккинчи ярми, июнда молиявий аҳволингиз яхшиланиши мумкин. Ишда омадингиз келади.



### ЖАДЪИЙ (22.12 – 20.01)

Баҳорнинг иккинчи ярми ва ёзнинг бошида сизни омад кутади. Янги танишлар орттирасиз, мароқли ҳордиқ чиқарасиз. Августда ўзингизни аъло даражада ҳис қиласиз. Кузда яқинларингиз билан жанжаллашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Январда сизга даромад келтирувчи таклиф билдиришлари мумкин. Дастлабки икки ойда омадингиз юришишига умид қилинг. Апрелда ишларингизнинг самарасини кўрасиз. 25 июл 10 август оралиғида сизга халақит берувчилар пайдо бўлиши мумкин.



### ДАЛВ (21.01 – 18.02)

12 майдан 27 майгача бўлган давр сиз учун жуда яхши келади. Янги-янги танишлар орттирасиз. Июл-август оралиғида яқинларингиз билан келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Режадаги ишларингизни январнинг учинчи ўн кунлиги ёки февралнинг иккинчи ярмида амалга оширганингиз маъқул. Апрелнинг иккинчи ярми — ижодий парвозлар даври. Июл ва август ойлари иш фаолиятингизни амалга оширишда қулайлик туғдиради. Октябрнинг биринчи ярмида ҳамкасбларингиз билан муносабатларда ҳушёр бўлинг.



### ҲУТ (19.02 – 20.03)

Йил бошида кўп харажат қилишингиз мумкин. Июл — сафар учун қулай ой. 12 сентябрдан бошлаб омад қуши бошингизга қўнади. Барча ишларда муваффақиятларга эришишингиз кутилмоқда. Буни сиз ноябрда яхшироқ ҳис қиласиз. Февралнинг охири ва мартнинг иккинчи ярмида таваккал қарорлар қабул қилишингиз мумкин. Июлда моддий аҳволингиз яхшиланади, бунинг учун эса йилнинг бошидан ҳаракат қилишингиз лозим.

*1 январ — Янги йилнинг биринчи куни*
*1 феврал — Қурбон ҳайити (Ийд-ал-Адҳа)*
*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*
*21 март — Наврўз байрами*
*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*
*1 сентябр — Мустақиллик куни*
*1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни*
*Ноябр — Рўза ҳайити (Ийд-ал-Фитр. Ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни деб белгиланган)*
*8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.*

**IYUL**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| S | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| P | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| J | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Y | 4 | 11 | 18 | 25 | |

**AVGUST**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| S | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ch | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| P | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| J | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Sh | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Y | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

**SENTABR**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| S | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| P | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| J | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Sh | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Y | 5 | 12 | 19 | 26 | |

**OKTABR**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| S | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ch | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| P | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| J | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Sh | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Y | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

**NOYABR**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| S | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ch | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| P | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| J | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Sh | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Y | 7 | 14 | 21 | 28 | |

**DEKABR**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| S | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ch | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| P | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| J | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Sh | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Y | 5 | 12 | 19 | 26 | |

## "XABAR" ДОИМО СИЗ БИЛАН БИРГА!

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29, 138-41-94. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz*.
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

270-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 19.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.